Тошкент ҳақиқати

1928 йил 11 декабрдан чиқа бошлаган

№ 148 (10.397).

1992 йил 22 октябрь пайшанба

Баҳоси 2 сўм

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПАХТАСИ 2.000.000 ТОННАДАН ОШДИ

НАВБАТДАГИ МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Республика хирмонларига икки миллион тонна «оқ олтин» уюлди

Бу йилги ҳосилга осонликча эришилаётгани йўқ! Бениҳоя машаққатли дамлар бошланди. Кўкламда ва ёзда бой берилган вақтнинг ўрнини кузда қоплаб оламиз, деб ўйлагандик. Аммо куз ҳам изғирин ва ёмғирли келди. Ғўзалар керагидан 200—250 даража кам иссиқлик олди, шу боисдан уларнинг ривожи 18—20 кун кечикди. Бунинг устига кетма-кет ёғингарчиликлар машина ишлатишга йўл бермаяпти.

Терим бошланганига салкам бир ой бўлсада, шай қилиб қўйилган 30 минг агрегатнинг ярмидан кўпроғи ҳали пахтазорга киргани йўқ. «Бункер» пахтасини тайёрлаш орқада қолаётганининг сабаби ҳам шу. Ҳолбуки, ҳосилнинг 60 фоизини машинада териб олишни режалаштиргандик.

Бултурги мавсумда пахтакорлар тўртинчи октябргача икки миллион тонна ҳосил тайёрлаган эдилар. Қанча орқада қолинганини ўзингиз ҳисоблайверинг. Меҳнат ҳам кўпроқ сарфланмоқда: бултурги иккинчи миллион тонна бир ҳафтада териб олинган бўлса, бу йилгисини теришга 12 кун кетди. Ҳосилнинг асосий қисмини теримчилар ёрдамида тайёрладик, ҳозир пахтазорда бир миллиондан ортиқ киши ишламоқда. Механизаторлар ҳам зўр ғайрат билан меҳнат қилишмоқда. Иккинчи миллион тоннанинг 40 фоизгача бўлган қисми машинада терилди. Ҳар бир вилоятнинг ҳиссасига келганда, қашқадарёликлар 140 минг тоннадан кўпроқ улуш қўшдилар. Шунча ҳосилнинг қарийб тўртдан уч қисми машинада териб олингани диққатга сазовордир.

Тошкент ва Навоий вилоятларининг механизаторлари кунига энг кўп унумдорликка эришиб, ҳар бир машинада уч ярим, тўрт тоннадан пахта термоқдалар. Қўл теримида ҳозирча бухороликларга тенг келадигани йўқ. — Ҳар бир теримчи ҳисобига кунига ўртача ҳисобда 71 килограмм тўғри келмоқда. Фарғоналиклар, Бухоро, Андижон, Наманган вилоятларининг пахтакорлари суръатни бўшаштирмай, республика пахта тайёрлаш жадвалида пешқадамлик қилмоқдалар.

Октябрь ойи иккинчи ўн кунлигининг охиригача еттита колхоз, 22 та совхоз, салкам мингта бригада меҳнатчилари йиллик топшириқни бажариб бўлдилар, уларнинг кўплари режадан ташқари ҳосил ҳисобига ҳар куни 2—3 фоиз пахта топшириб, ўзлари учун иқтисодий фаровонликни таъминламоқдалар. Улар орасида Косон туманидаги Алишер Навоий номли ва Абдулла Набиев номли, Ғузор туманидаги Улуғбек номли, Муборак туманидаги «Хитой», Шаҳрихон районидаги У. Юсупов номли совхозлар, шунингдек Шофиркон, Олот, Бўз, Олтинкўл туманларининг хўжаликлари бор. Республиканинг салкам ўнта тумани эрта-индин белгиланган маррага етиб боради.

Аммо ҳали олдинда жуда катта қийинчиликлар турибди. Ҳисоб-китобларга қараганда бу қийинчиликларни жойларда уюшқоқлик, рағбатлантириш омилларидан амалий фойдаланиб бартараф этса бўлади.

Р. НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги пахтачилик бошқармасининг бошлиғи

БУКА районининг пахта териш ва тайёрлашда олдинда бормоқда. Бунда райондаги «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги деҳқонларининг ҳам ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Хўжаликда машина теримига, айниқса, катта эътибор берилаётир. Суратда: хўжалик бошқарувининг раиси Ваҳоб Мирзақулов машина терими учун ажратилган далаларни кўздан кечираётир.

ҲОСИЛ ЕТАРЛИ, РЕЖА АЛБАТТА БАЖАРИЛАДИ

ВИЛОЯТИМИЗ далаларида йиғим-терим авжига кирди. Ҳамма бир жону-бир тан бўлиб, пахта термоқда. Лекин, бу ҳақда гап кетганда, баъзида, «Бу йил тошкентликларнинг мазаси йўқ, улар режани бажара олмасалар керак «деган узун-юлуқ сўзлар ҳам эшитилиб қолади. Бироқ, биз дангал қилиб айтамизки, бундай иккиланишларга, нотўғри фикрлашларга асло ўрин йўқ!

Тўғри, агар ўтган йилги эришилган натижалар, рақамларга кўз ташлайдиган, таҳлил қиладиган бўлсак, юрагимиз бироз ачишади. Чунки, ўтган йили шу пайтга қадар вилоятимиз бўйича 291 минг тонна пахта тайёрланган, режа 90 ни қоралаб қолган эди.

Бугунги кунда эса вилоят бўйича тайёрланган пахта бор йўғи 114 минг 821 тоннани ташкил этади. Режа салкам 36 фоиз адо этилди. Ҳақиқатан ҳам орадаги тафовут катта!

Лекин, шуни ишонч ва мамнуният билан айтиш керакки, далада режани бемалол ва ҳатто, ошириб бажариш имкониятини берадиган ҳосил бор! Бу ҳосилни қанча машаққат, қанча меҳнат ва қийинчиликлар эвазига етиштирганлигимиз ҳам ҳаммага аён.

Деҳқонларимиз табиат билан юзма-юз олишиб, маҳоратлари ва тажрибаларини ишга солиб, катта жасорат кўрсатиб етиштирдилар бу ҳосилни!

Эндиликда уни йиғиб-териб олиш ва тайёрлов пунктларига етказиб беришда ҳам гоят уюшқоқлик, фидойилик кўрсатмоқдалар. Манфаатдорлик — биринчи ўринга қўйилганлиги қийин шароитларда теримни ҳамжиҳатлик билан ташкил этиш имкониятини бермоқда. Ҳамма ерда ҳар бир килограмм қўлда терилган пахтага кам деганда 2 сўмдан, машинада терилган бир тонна пахтага 100 сўмдан ҳақ тўлашнинг жорий этилиши айни муддаа бўлди. Бу тадбир, табиийки, юрагида ўти, билагида қуввати бор ҳар бир қишлоқ аҳлини — деҳқонни далага даъват этади. Шунинг учун ҳам суръат кўтарилиб бормоқда. Агар тунов кунги ёмғир бўлмаганда эди, табиийки, режа 50 фоиздан ошиб кетган бўларди. Нима ҳам дер эдик. Энди бундан буёнги ишларда, теримда «пишиқ» бўлишимиз керак. Ҳозирча ҳаво туриб беряпти.

Бўка, Бекобод, Оққўрғон районлари кундалик ўсишда олдинда бормоқдалар. Бошқа районлар ҳам суръатга қамчи босмоқдалар.

Пахта йиғим-терими кундалиги

Шундай қилиб, **21 октябргача бўлган маълумотларга қараганда, вилоятимизда ҳозиргача тайёрланган пахта 114 минг тоннадан ошиб кетди. Бир кунда 12 минг 880 тонна пахта тайёрланди. Машиналар билан 9 минг 148 тонна пахта терилди. Ҳозиргача машинада терилган пахта 67 минг 655 тоннага етди.** Айни кунларда вилоят далаларида мавжуд 2700 та пахта териш **машиналаридан 2100 таси ишлаяпти. Ҳар бир машинанинг унумдорлиги 4 тоннага тўғри келди.** Эрталабки тушаётган шудринг ишга ҳалақит бермоқда. Чунки, кўп жойларда машиналар соат 10—11 ларга борибгина ишга тушмоқда. Демак, кунлар исиб кетса, машиналар барвақтроқ ишга тушадиган бўлса, агрегатларнинг унумдорлиги яна ҳам ортади.

Тадбиркор хўжаликларнинг раҳбарлари ҳозирги ҳал қилувчи кунларда тезроқ ҳосилни йиғиб-териб олиш учун пулни «аямай» жуда тўғри қилмоқдалар. Гап шундаки, айрим хўжаликларда қўлда териладиган бир килограмм пахтага ҳатто 3—4 сўмдан, 1 тонна машинада терилган пахтага эса 150 сўмдан берилмоқда... Янгийўл районидаги Мирза Бобоев номли, «Қовунчи» жамоа хўжаликларида бу соҳада кўрилаётган тадбирлар самараси кўзга ташланиб қолди. Хўжаликлар режани 50 фоиздан ошириб қўйдилар.

Эсингизда бўлса керак, йиғим-терим бошланган дастлабки кунларда берилган кундаликда бу йил вилоятимиз далаларида 60 минг кишининг қўл теримида қатнашиши мўлжалланмоқда, деб айтилганди. Манфаатдорлик яхши йўлга қўйилганлиги учун бу мўлжал анча ошди. Айни кунларда вилоят далаларида салкам 80 минг киши қўл теримида қатнашмоқда. Унумдорлик 40 килограммданга тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич эрта-индин янада кўтарилиши турган гап. Чунки, «Сизлар билан биргамиз, мададкормиз, ҳамкормиз» деб деҳқонларга, пахтакорларга ёрдам қўлини чўзаётган районлар, шаҳарлар марказларидаги аҳоли, ишчи-хизматчилар сони кўпайиб бораяпти. Ҳатто, Тошкент шаҳридаги айрим муассасалар ишчи-хизматчилари, ўқув юртларининг талабалари «Яхши ҳақ тўлар экансизлар, биз ҳам ҳашаргa боришимиз мумкин» деб талабгор бўлиб чиқмоқдалар.

Қисқаси, вилоятимизда пахта йиғим-терими ҳал қилувчи босқичга кирди. Ҳамма-ҳамма пахта дарди билан яшамоқда. Бу табиий, албатта. Харид нархларининг оширилганлиги, пахта етиштирувчиларга яратиб берилган имконияту имтиёзлар пахтанинг қадрини чинакамига ошириб юборди! Пахта ҳақиқий олтинга айланадиган давр энди келди. Шунинг учун ҳам терим кун сайин кучаймоқда. Деҳқонларимиз ҳосилдан кўнглимиз тўқ, режани, албатта, бажарамиз, бунинг учун ишончимиз комил, деб айтмоқдалар.

Бу ниятнинг тезроқ рўёбга чиқиши учун ҳаммамиз ҳамкор бўлайлик, мададкор бўлайлик!

ТИЛГА ЭЪТИБОР— ЭЛГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасида Бош вазир А. Муталов раислигида давлат тили тўғрисидаги қонунни амалга ошириш комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Унда давлат тили тўғрисидаги қонун ва дастурнинг республика матлубот жамиятлари уюшмасида қандай бажарилаётгани масаласи муҳокама этилди. Уюшма раиси Г. Волков шу ҳақда ахборот берди.

Мажлисда уюшма тизимидаги ташкилотларда бу борада бирмунча ишлар қилингани таъкидланди. Масалан, бошқарув идорасидаги йиғилиш ва кенгашлар асосан давлат тилида ўтказилмоқда. Иш юритишни тўла давлат тилига ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда. Русча сўзлашувчи ходимларга давлат тилини ўргатиш олти ойлик курслари ишлаб турибди.

Бироқ, уюшма тил комиссиясининг ишини ҳозирги талаб даражасида деб бўлмайди, комиссия ўтган икки йил ичида бор-йўғи уч марта йиғилиш ўтказган. Айрим тингловчилар машғулотларга мунтазам қатнашмайди. Бошқарув қарорлари матни ҳамон рус тилида тайёрланиб, кейин таржима қилинмоқда.

Уюшма раҳбариятига бир ой муддат ичида тил комиссияси фаолиятини яхшилаш, шунингдек ўзбек тилида иш юритиш учун зарур қўлланма ва йўриқномаларни давлат тилида нашр этиш тадбирларини ишлаб чиқиш топширилди.

Республика атамашунослик комитетининг раиси О. Ёқубов мажлис қатнашчиларини русча — байналмилал сўзларнинг тавсия этилаётган муқобиллари билан таништирди.

(ЎзА).

ЗО НИ КЎЗЛАБ

Бекобод районидаги «Навбаҳор» давлат хўжалигининг 3 бўлимидаги Ражаббой Эгамов етакчилик қилаётган бригада аъзолари йиғим-теримда пешқадамлик қилмоқда. Бунга айниқса, пудрат асосида ишлаётганлар муносиб ҳисса қўшмоқда. 12 гектар майдонда яхши умид билан ҳосил етиштирган Худоёр Ашуров оилавий жамоаси йиллик режани бажарганлиги ҳақидаги маълумотномага имзо чекди. Улар ҳар гектар майдондан 23 центнердан ҳосил йиғиб олишди. Ижарачиларнинг мақсади умумий ҳосилдорликни 30 центнерга етказиш.

Ҳ. САЙДАЛИЕВ.

ҲУКУМАТ ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН БЕВОСИТА ШУҒУЛЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш бўйича вазирлар маҳкамаси комиссиясининг раиси А. Муталовнинг Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари

Мухбир — Абдулҳошим Муталович, бугун тарихий кун, ўзбек халқининг асрлар мобайнидаги орзуси рўёбга чиққан кун. 1989 йилнинг 21 октябрида Ўзбекистон Олий Кенгашининг сессиясида ўзбек тилига давлат мақоми берилди.

Мазкур сессияда ушбу қонунни қабул қилишнинг ўзи бўлгани йўқ. Айрим гуруҳлар томонидан тазйиқ ҳам бўлди. Шундай бўлсада, баъзи камчиликлардан ҳали бўлмаган ҳолда, мустақиллигимизнинг бойчечаги бўлмиш ушбу қонун қабул қилинди. Мана шу ўтган давр мобайнида сиз раислик қилаётган давлат комиссияси томонидан жуда кўп ишлар амалга оширилди. Суҳбатимиз аввалида шу ҳақда сўз юритсангиз.

А. МУТАЛОВ. — Ҳақиқатан ҳам ўша 1989 йилда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида» қонун қабул қилиниши катта воқеа бўлган эди. Чунки бу қонун мустақиллигимизнинг илк нишонаси эди. Тоталитаризм тузуми шароитида бундай қонунни қабул қилиш катта жасорат, фидойиликни талаб этарди.

Қонун ижроси Вазирлар маҳкамасига топширилган. Шуни ҳисобга олиб қонунни амалга ошириш бўйича давлат дастури ишлаб чиқилди. Дастур 1990 йил 19 февралда Вазирлар маҳкамаси қарори билан тасдиқланди. Давлат дастурида Республикамиз вазирликлари, комитетлари, идоралари, ташкилотлари, корхоналари, вилоятлари, шаҳарлари, районлари олдида турган вазифалар ўз ифодасини топган бўлиб, давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш тадбирлари мажмуасидир. Уша қарорга биноан вазирлар маҳкамасининг Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш комиссияси ҳам тасдиқланган.

Мен Вазирлар маҳкамаси комиссиясининг кейинги йилдаги иши ҳақидагина тўхталиб ўтмоқчиман. Энг аввало, комиссиянинг иш тартиби ўзгарди. Унда турли масалалар билан шуғулланувчи кичик гуруҳлар тузилди. Комиссия муҳокамасига қўйиладиган масалалар олдин ўша кичик гуруҳларда муҳокама этилади, кейин комиссия муҳокамасига тақдим этилади.

1992 йилдаги комиссия мажлисларида Алоқа ва Адлия вазирликларида, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида, Фарғона шаҳри ва Қува районида, Ўзбекистон матлубот жамиятлари уюшмаси — Ўзбекбирлашувда давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилиши кўриб чиқилди.

Муҳокамада маълум бўлдики, жойларда давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш соҳасида яхши ишлар қилинмоқда. Бироқ ҳали анчагина муаммолар борлиги ҳам аниқланди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясидаги бу соҳадаги камчиликлар айниқса қаттиқ танқид қилинган эди. Мазкур ндора раҳбарлари танқиддан тўғри хулоса чиқариб ҳозир аҳволни ўнгламоқдалар.

Давлат тили ҳақидаги қонунни ҳаётга татбиқ этиш бўйича амалга оширилаётган ишларимизнинг айрим соҳаларида сусткашликка, аниқроғи, бефаҳмликка йўл қўйилаётгани ҳам кўзга ташланиб қолмоқда. Хусусан, давлат тилини билмайдиган республика фуқароларини ўз хизмат вазифаларини бажариш учун зарур даражада ўзбек тилига ўргатишда жойларда назоратнинг пастлиги туфайли сезиларли самарага эришиш қийин бўляпти. Бу масала комиссиянинг навбатдаги мажлисида атрофлича таҳлил этилиши режалаштирилган.

Комиссиянинг бир мажлисида қонуннинг умуман республикамизда бажарилиш аҳволи муҳокама этилди. Унда барча вилоятлардан вакиллар — тил комиссиялари раҳбарлари иштирок этдилар.

Вазирликлар маҳкамасининг Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш бўйича комиссияси аъзолари вилоятларга бириктирилганлар. Улар вақти-вақти билан жойларда бўлиб, тил ҳақидаги қонунинг бажарилиши билан бевосита танишиб, комиссияга масала киритадилар.

Комиссия мажлисларида атамашунослик, топономия масалалари ҳам муҳокама этилмоқда. Атамашунослик комитети тавсия этган атамалар тасдиқдан ўтмоқда.

— **Ҳозир ҳаммамизга аён, иқтисодий инқироздан қийин бир вазият. Ана шундай шароитда республикамиз ҳукумати, айниқса, Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида давлат тили ҳақидаги қонунни амалга оширишда кўп ишлар қилиняпти. Ўзбек тилининг равнақига ҳеч қачон ҳозиргидек ғамхўрлик бўлмаган.**

— Иқтисодий қийинчиликлар-ку бор гап. Лекин барибир қонунларимизни ижро этишни орқага суриб қўйишимиз тўғри бўлмайди. Президентимиз И. Каримов давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш учун барча имкониятларни яратиб бермоқда.

Президентимизнинг Мустақиллик майдони тўғрисидаги фармони ҳам бевосита давлат тили ҳақидаги қонунга алоқадор. Ҳозир бу фармон район ва вилоятлар, шаҳарларда янги ном қўйишда дастурилламал бўлмоқда.

— **Навбатдаги саволим анча баҳс ва тортишувларга сабаб бўлаётган мавзуга дахлдор. Ёзувимиз қайси графикага асосланиши керак!**

— Ҳақиқатан ҳам бу масала мураккаб. Республикамизда бир гуруҳ мутахассислар араб алифбосига, бир гуруҳ олимлар эса лотин алифбосига ўтиш керак, демоқдалар. Учинчи тоифа одамларнинг фикрича, кириллица қолаверириш лозим.

Ҳозир мазкур масала хусусида олий кенгаш ҳузурида тузилган ўзбек имлоси масалалари бўйича комиссия иш олиб бормоқда.

— **Абдулҳошим Муталович. Қонунни кўздан кечирадиган бўлсак, унинг қатор моддаларини жамият турмушининг ҳамма томонларига босқичма-босқич жорий этиш мақсадида муддатлар белгиланган. Масалан, 4, 7 ва 8-моддалар саккиз йилда ижро этилади, деб белгиланган. 5, 24-моддаларни амалга ошириш муддати эса тугади.**

— Аввалампор, давлат тили ҳақидаги қонуннинг ўзи тўғрисида. Маълумки, қонун совет тузуми даврида қабул қилинган. Эндиликда биз мустақил давлатмиз. Шуларни ва матбуотда айтилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олиб, давлат тили ҳақидаги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кераклигини комиссияда муҳокама этганмиз. Комиссия аъзоларидан ишчи гуруҳи тузилган. Ҳозир шу ишчи гуруҳи Олий Кенгаш комитети билан ҳамкорликда қонунга киритиладиган ўзгартишлар ҳам қўшимчалар лойиҳасини тайёрлаган. Биз уни комиссияда муҳокама қилиб, Олий Кенгашга тақдим этамиз.

Сиз айтган мулоҳазалар ўша лойиҳада ҳисобга олинган, деб ўйлайман.

— **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги республика атамашунослик комитети қисқа муддатда катта ишларни амалга оширди. Илмий, илмий-оммабоп адабиётларда, дарсликларда, айниқса оммавий ахборот воситаларида атамаларни қўллашда бошбошдоқлик авжига чиққан эди. Ушбу комитетнинг меҳнати туфайли бунга анча чек қўйилди...**

— Атамашунослик комитети вазифаларидан бири — атамаларни тартибга солишдан иборат. Дастлабки пайтларда ана шу идора бу ишларни эплай олмади. Оқибатда ҳар хилликлар, чалкашликлар рўй берди, тушунилиши қийин сўзлар ҳам атама сифатида тақдим этилди.

Комитет фаолияти кейинги вақтда анча яхшиланди, атама танлашнинг илмий принциплари ишлаб чиқилди. Ўзгартирилиши лозим деб топилган атамалар хусусида энциклопедия билан маслаҳатлашилди. «Ўзбекистон овози» газетасининг тўрт сонида «Қайси бири маъқул?» деган сарлавҳа билан комитет тавсиялари эълон қилинди. Анчагина таклифлар тушди. Ана шу асосда тавсиялар тайёрланди. Биз комиссия мажлисида буларни муҳокама қилиб, тасдиқдан ўтказмоқдамиз. Комитет луғатлар тузиш, уларни муҳокама қилишни ҳам йўлга қўйди. Ҳозир кичик ҳажмли луғатлар тузилмоқда.

— **Давлат тили ҳақидаги қонун ижроси республикада бир текисда бораяпти, деб бўлмайди...**

— Тўғри, баъзи мисолларни айтиб ўтай. Масалан, Адлия вазирлиги ўтган йилнёқ давлат тилида иш юрита бошлаган эди. Лекин айрим ташкилотлар, масалан, Фанлар академиясидаги кўплаб институтлар давлат тилига ўтмагани ҳақида газеталарда ёзилди. Бу жуда ажабланарли ҳол. Бундай мисоллар, афсуски, оз эмас.

— **Ҳозир республикамизда Ўзбекистон Конституцияси лойиҳаси қизғин муҳокама қилинмоқда. Ушбу лойиҳанинг 4-моддасида шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир». Конституция лойиҳасидаги ушбу модда ҳақида мулоҳазангизни айтсангиз.**

— Давлат тили ҳақидаги модда Конституцияга кириши керак. Лекин бу шу ҳақда алоҳида қонун бўлишини истисно этмайди, деб ўйлайман. Чунки, алоҳида қонунда унинг ўзига хос томонлари, мураккабликлари акс этади. Бунинг устига бизнинг шароитда бу ишни босқичма-босқич олиб боришга зарурат бор.

— **Сермазмун суҳбатингиз учун рақмат.**

ВИЛОЯТ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 21 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — машинада бир кунда терилган пахта, мавсум бошидан буён.

Бўка	5,16	44,53	5,74	41,62
Бекобод	4,70	43,70	2,86	33,06
Қуйичирчиқ	3,94	39,70	4,17	41,50
Чиноз	3,63	38,43	4,03	28,49
Пискент	3,04	38,05	2,51	17,55
Оққўрғон	4,51	34,93	4,78	25,72
Янгийўл	3,06	32,65	2,27	17,07
Юқоричирчиқ	3,87	21,37	4,28	23,95
Ўртачирчиқ	3,11	20,04	2,61	11,22
Вилоят бўйича:	4,03	35,95	3,81	28,19

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ВА МАОРИФИМИЗ МУАММОЛАРИ

● 20 октябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида муаллимлар, республика халқ маорифи ходимлари билан ушбу партия раҳбариятининг учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда Халқ демократик партияси Раиси Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов ҳамда республика ҳукуматининг мамлакатда халқ таълимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасида ўтказаётган изчил сиёсати, амалий ишлари ҳақида, шунингдек, мустақиллик шароитида халқ маорифи олдида турган долзарб муаммолар, уни миллийлаштириш ва янада равнақ топтириш истиқболлари, бунда ХДПнинг ўрни тўғрисида гап борди. Бозор иқтисоднетига ўтиш даврида республика ҳукумати ўқитувчиларни иктимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш учун аниқ-равшан чора-тадбирлар кўраётгани алоҳида таъкидланди. Мамлакатда халқ маорифи, таълим-тарбия ишларини янада яхшилаш учун қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Учрашувни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов олиб борди. Учрашувда Марказий Кенгаш иккинчи котиби М. Киргизбоев, котиблар Ҳ. М. Абдураимов, И. А. Кочмарик, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, республика халқ маорифи соҳасининг бошқа масъул ходимлари қатнашдилар.

● *Фермалар қишловга тайёрми?*

РАҲБАР ЯНГИЛАНДИ, АҲВОЛ ЯХШИЛАНАРМИКАН?

Биринчи октябрдан расмий равишда чорва қишлови бошланди. Илғор хўжаликларнинг чорвадорлари, биринчи навбатда қурилиш бригадаларининг жамоалари чорва қишловига намунали тайёргарлик кўриш тадбирларини аллақачон амалга ошириб қўйганлар. Бироқ, айрим хўжаликларда чорвага ҳали ҳам эскича назар билан, ўзибўларчилик фикри билан ёндошувчи кишилар учраб тургани, жойларда чорва қишловини беталафот ўтказишга жиддий тўсиқ бўлаётгани кўзга ташланмоқда. Бундай ачинарли аҳволни биз «Оҳангарон» ижара хўжалиги қўйчилик фермаларини кузатганимизда назарга тушиردик. Хўжаликда 12 минг бошга яқин қўй ва қўзилар бор. Улар жами 24 отарда қишловни ўтказиши мўлжалланган.

— Материаллар бўлмаса ҳам отарларни сифатли таъмирлаб қўйганмиз, — дейди биз билан суҳбатда «Оҳангарон» ижара хўжалигининг қурилиш бригадаси ишчиси Эгам Қурдошев. — Мавжуд 24 кўрадан ҳозир 20 таси сифатли таъмирланди, қолган тўрт отарни яқин икки-уч кунда таъмирлашдан чиқарамиз.

Биз кўпдан бери хўжалик бинокорлик бригадасида ишлаётган фахрий ишчининг гапларига сидқидилдан ишонган эдик. Афсуски, текшириш пайтида бу гапларнинг ости пуч бўлиб чиқди. Тўғри, хўжаликнинг Қорабошсой мавзесидаги Турғун Турдибоев, Жийдали яйловидаги Собир Пўлатов бош чўпон бўлган отарларнинг фермалари бинолари бироз дуруст таъмирланган. Аммо масаланинг шу томони ҳам борки, бу ферма бинолари нисбатан янги бўлгани учун ончалик таъмирталаб ҳам эмас эди. Аммо хўжаликдаги аксари фермаларнинг бинолари бундан таҳминан, ўттиз-йигирма беш йиллар муқаддам қурилган бўлиб, уларнинг аримлари «илвираб» турипти. Айниқса, Гумбаз мавзесидаги Холтўра Абдураҳмонов бош чўпон бўлган отарнинг аҳволи ҳаддан ташқари ёмон. Бу ерга ҳам таъмирчилар келган. Бироқ, улар ферма биносининг ташқи томонини супурги билан оқлашдан нарига ўтмаган. Фермaнинг қишда қўйлар сақланадиган биносининг томлари тешилиб, ойна-деразаларининг ўрни қулаб ётипти. Шуниси ачинарлики, хўжалик бинокорлари ҳеч қандай маблағ ва материалсиз битадиган ишлар: қор-ёмғирларни кўтаролмай синиб турган қамишлар, сурилиб кетган шипрларни тузатиб қўйишни ҳам ўзларига эп кўришмаган. Ҳатто, чўпон яшайдиган уйнинг пиллапоясига шу ернинг ўзида ётган (қизиқ бу ерда пиллапоя тошлари ўрнига бир вақтлари уч ўрам рубороид қўйилган экан, ҳаммаси ўрамлигича оёқлар остида сурилиб тупроққа кўмилиб ётипти) тошларни қўйиб суваб қўйиш мумкин эди-ку! Бироқ, таъмирчилар буни ҳам қилишмаган.

Қайнар яйловидаги Қўчқор Назаров бошқараётган отарда 700 га яқин қўй-қўзилар қишлаши кўзда тутилмоқда. Бу ердаги фермада ҳам бинокорларнинг келиб кетгани қўраларнинг сирти қи томонларини яна ўша «Оҳангарон» бинокорларига хос усул-чалакам-чатти оқлаб кетгани акс этиб турипти. Бу ерда ҳам қўраларнинг деразалари ойнасиз, чўпон яшайдиган уйларни таъмирлаш эса нимагадир қурувчиларнинг ҳаёлига ҳам келмаган. Фермада сувоқ қилинадиган лой билан уриб, беркитиладиган жойлар анчагина. Шуниси ачинарлики, гарчанд фермалар таъмирланган бўлсада, ҳозир қўйлар баланд тоғлардаги яйловларда бўлишига қарамай, бу ерда ҳар куни юздан ортиқ қўйлар тунаш учун қўйилаётгани маълум бўлиб қолди.

Хўжаликдаги бошқа отарларнинг бинолари ҳам шу таҳлитда «таъмирдан» чиқарилган.

Оқтош яйловидаги Эркин Исомов бош чўпон бўлган отарда бу йил 512 бош қўйлар қишловдан чиқарилиши керак. Аммо фермадаги қўраларнинг биронтаси қўйларнинг ўтган йилги қийларидан тозаланмаган.

Кишини таажжублантирадиган жойи шундаки, ҳали бирорта ферма махсус дорилар билан дезинфикация қилинмаган. Деярли барча отарларнинг қўралари эски қий ва қўй чалмаларига тўлиб ётипти. Энг ёмони, хўжаликда чорвадорлар учун ғамхўрлик нишонасини кўрмадик. Ҳали бирорта чўпоннинг уйига қиш учун ёқилғи олиб чиқилмаган. Уларни иссиқ кийимлар ва бошқа зарур воситалар билан таъминлаш ҳақида ўйлаб ҳам кўрилгани йўқ.

Юқорида эслатганимиздай «Оҳангарон» ижара жамоасида 12 мингга яқин қўй-қўзилар қишлайди. Хўжаликка қардош Қозористоннинг Тўрғай вилоятидан яна 2 минг бош наслдор қўйлар келтирилмоқда. Бироқ, хўжаликнинг Холмат Ҳасанов бошқараётган чорвачилик, хусусан қўйчилик бўлими чорва озуқаси жамғариш билан жиддий шуғулланмагани ўзўзидан кўзга ташланмоқда. Тўғри, ҳар бир отарнинг ёнига 25—35 тоннадан дағал хашак тўплаб қўйилган. Аммо ҳар отардаги 400 — 450 қўй учун бу тўпланган хашаклар урвоқ ҳам бўлмайди.

Хўжаликда 1000 гектардан ортиқроқ майдондан 1400 тоннадан кўпроқ арпа ҳосили олинди. Бинобарин, олинган сомон ҳам шу миқдорда бўлиши керак эди. Афсуски, талон-тарожлик шу даражага бориб етдики, ҳозир тайёрланган сомон 400 тоннага ҳам етмайди.

Қўйчиликка ихтисослашган бу бўлимнинг Қўриқсой мавзесидаги 180 гектар бедазори атиги икки марта ўриб олингани ҳолда учинчи ўрим тўплаб олинмай аҳолининг моли ёйдириб юборилган. Айни пайтда маккажўхоридан олинадиган 6 минг тонналик силос режасининг ҳам бажарилмаслик ҳавфи туғилмоқда. Механизаторларнинг фикри билан ҳисоблашадиган бўлсак, силос учун экилган маккажўхорилар жуда сийрак чиққан, уларнинг гектаридан мўлжалдаги ҳосил олинмаяпти. Хўжалик марказида эса бизга чорва учун режалаштирилган озуқанинг эндигина 51 фоизи тайёрланганлигини айтиб бердилар.

Чорвачилик комплексларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Хўжаликнинг Ялпоқтепа, Тут қишлоқ ва Қорахитойдаги сигирчилик фермаларининг бинолари ҳали таъмирдан чиқарилмаган. Бу ердаги механизацияни таъмирлаш ишлари бошланмаган.

Йўл қўйилган барча нуқсонлар чорвачилик, биринчи галда қўйчилик бўлимининг бошлиғи Холмат Ҳасановнинг ўз вазифасига ниҳоятда масъулиятсизларча қараётганидан далолат бериб турипти. Чорвачилик комплекслари ва қўйчилик отларларининг қишловга тайёргарлигини текшириш пайтида биз бундан кейин Холмат Ҳасановнинг энди ўз вазифасини уддалай олмаслигига қатъий ишонч ҳосил қилдик.

Албатта, йўл қўйилган нуқсонларда «Оҳангарон» ижара хўжалигининг илгариги раҳбариятининг ҳам каттагина «ҳисса»си бор. Чорваннинг аҳволи билан жиддий шуғулланмаслик, ем-хашак талон-тарожлигига йўл қўйилиши, ҳашак жамғаришда изчиллик бўлмаганлиги фикримизни далиллар билан исботлайди.

Хўжаликка янги директор келди. Балки у аҳволни бироз ўзгартирар. Аммо қўйчиликни ҳақиқий жонкуяр кишилар қўлига топширмай аҳволни ўзгартириш қийин кўринади.

Мўмин ҚАЮМОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси, жамоатчи мухбир.

Жумагул Бобохонова Пискент районидаги «Дўстлик» давлат хўжалигида ишлайди. Айни кунларда у 120—130 килога етказиб пахта тераётир.

Т. ҲАЙДАРОВ сурати.

ҚИШЛОҚ ФАОЛИ

ПОЙТАХТ Тошкентдан Қўйлиқ орқали Тўйтепага йўлингиз тушса, албатта, Қорасув дарёси чап тарафида пахта даласига туташиб турган охирги хонадон олдида ҳар хил дўконларга, устатхоналарга кўзингиз тушади. Пешонасига «Ровойтак» деб ёзиб қўйилган гўшт, мева-сабзавот дўкони, овқатланиш айвончаси, автомобиль шиналарини созлаш устахоналари бор бу ерда.

Булар ҳаммаси «Ровойтак», деб номланган хусусий корхонага қарашли. Эгаси Аҳмадхўжа ака Отахўжаев. У кишининг асли касби автомобилчи муҳандис. Ўртаосиё политехника олийгоҳини 1954 йили тугатган. Кўп вақт қишлоқда ўқитувчилик қилди. Математика, физикадан дарс берди. Низомий номидаги педагогика олийгоҳини 1960 йили сиртдан ўқиб тамомлади. 1975—90-йилларда эса «Узглавнефтепром» тизимида ўз мутахассислиги бўйича хизмат қилди. Фахрийликка чиққандан бошлаб эса мана шу хусусий корхонани барпо этади.

— Оиламизда ҳеч ким бекорчи эмас, — ҳикоя қилади биз билан суҳбатда Аҳмад ака. — Дўконларга мол олиб келиш менинг гарданимда, сотиш, қайта ишлаш, сақлаш, овқат тайёрлаш, хўрандаларга хизмат қилиш оила аъзоларим зиммасида. Катта ўғилларим автомашиналарга хизмат кўрсатади. Мол ҳам боқамиз. Гўшт, сут ўзимиздан. 8 та фарзандим, 26 та неварам бор. Ахир катта даргоҳга ҳамма нарса керак. Айниқса, ҳозирги тақчиллик даврида.

Аҳмадхўжа ака Қорасув қишлоғининг фаоли. Тўймаъракаларга бош-қош. Йиғинларни ичкиликсиз ўтказиш, исрофгарчиликни кескин камайтириш, бўлар-бўлмас расм-русмларга чек қўйиш ташаббуслари билан чиқибгина қолмай амалга ошишини ҳам таъминлайди. Бу борада қишлоқ фаолларидан Карим Раимов, Сайидкарим Сайидазимов, Неъмат Бегматовлар унга яқиндан ёрдам беришмоқда.

Улар биргаликда табиий газ келишига, маҳалла учун алоҳида электр подстанцияси қурилишига, 100 дан кўп хонадонга ер майдони ажратиб берилишига эришдилар.

Ҳозирги кунда шинамгина кичик бозорчани қуриш ва жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилган.

Д. ҲОЖИБЕКОВ.

ТИЛ БАЙРАМИ

Кейинги йиллар мобайнида Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси раҳбарияти даволаш муассасаларида Давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилишини таъминлаш борасида самарали ишлар қилди. Шаҳар касалхоналари, поликлиникаларида тўлдириладиган ҳужжатлар ўзбекчалаштирилди. «Тез ёрдам» хизмати ходимлари ўзбек тилида мурожаат қилган кишиларни ўзбекча салом ва ширинсўзлик, баодоблик билан кутиб оладиган бўлдилар.

Давлат тилини жорий этиш борасидаги интилишлар туфайли қатор шифохоналарда ўзбек тилини ўрганишга эътибор ортди. Хусусан пойтахтдаги 1-клиника шифохонасининг шифокори Тамара Николаевна Куликова беморлар билан мулоқотни соф ўзбек тилида олиб бормоқда. Унинг бу ҳислати нажоткорнинг ҳурматига ҳурмат қўшди, бошқалар унга эргашмоқдалар.

Шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг Саломатлик марказида кеча бўлиб ўтган «Тил байрами»да Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи Қ. Т. Ризаев ана шулар ҳақида гапириб, йиғилганларни республикамизда Давлат тили ҳақидаги қонун жорий этилганлигининг уч йиллиги билан қутлади. Айни пайтда у бундан буён ҳам даволаш муассасалари ана шу қонуннинг бажарилишига қатъий риоя этишлари керак, дея таъкидлади.

Шифокорларнинг тил байрамида Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева сўзлади. У соғлиқни сақлаш ходимлари бу тантанали диллари яйраб, серфайз ва сермазмун ташкил этганликлари учун миннатдорчилик билдирди. Шоира тантана иштирокчиларига янги шеърларидан ўқиб берди. Шунингдек, байрам қатнашчилари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Олимжон Орифжонов, санъаткор Абдусаид Азимов ижросида қўшиқлар тингладилар.

С. ҲАСАНОВ.

● *Акс садо*

ГИНАХОНЛИКНИ УНУТАЙЛИК

Ҳурматли муҳарририят ходимлари. «Илтимос, турмушимни тиклаб беринг» мақоласига мен ҳам ўз фикримни билдирмоқчиман. 1987 йил август ойидан бери Бўка район халқ судида «Оилавий муносабатларни ўрганиш ва маслаҳат бюроси инспектори» сифатида оилавий ажралишлар билан шуғулланиб 125 оиладан 24 тасини яраштириб, 20 фоиз ижобий натижага эришаяпман. Ҳозиргача қабул қилиб ўрганаётган оилаларнинг сони 140 дан ошиб кетди.

Ҳа, ҳозирги вақтда «ота-оналар ўз қизининг оилаларига ўринсиз аралашуви» туфайли қанчадан қанча оилалар ажрашиб тирик етимлар кўпайиб бормоқда. Бунга 20—25 йиллик оилавий турмуш тажрибасига эга бўлган ота-оналарнинг мансабларни, молпараст, дунёпарастлиги сабаб бўлмоқда.

Орадан 2—3 йил вақт ўтгандан кейин эса қизларининг кўнглини чўктириб «зарурат» туфайли қайта турмушга беришга мажбур бўлишади.

Чунки аёл қалбида «эътиқод» туйғуси деган бир туйғу мавжуд бўлади. Бу туйғу кўз очиб кўрганига нисбатан пайдо бўладиган, бир маротаба ўсиб-унишга тегишли бўлади. Кейингиси эса «зарурат» туйғусидир, бу икки туйғу орасидаги фарқ эса осмон билан ерчаликдир. Шунинг учун ҳам қозоқларда: «Қуда бўлгунча синаш, қуда бўлгандан сўнг қўлда бўлса сийлаш»,— дейди. Қизингиз тенгим деб севиб-севилиб турмуш қурдими, сийлашга мажбурсиз.

Манзурахон, қиз бола ота-онанинг гапига қулоқ солиши керак. Лекин турмушга чиққандан сўнг ўз мустақил фикрига эга бўлгани маъқул. Бахтиёр, сиз хотинингиз учун эмас, гулдек фарзандларингиз, ўғил-қизларингиз учун хотинингиздан гина қилишни унутолсангиз марднинг ишини қилган бўлар эдингиз. Оиланинг тотувлигини кўзлаган одам гиналардан устун келмоғи зарур.

А. ЧИНОЗОВ.

«САМСУНГ»НИНГ ТОШКЕНТДАГИ ҚЎНИМГОҲИ

Яқин истиқболда ташқи бозор «Тошкент тўқимачилик комбинати» ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси учун муҳим аҳамият касб этади. Бирлашманинг ташқи иқтисодий муносабатлар соҳасидаги кенг кўламли фаолияти шундан далолат бериб турибди. Хорижий шерикларни аввало комбинатимизнинг маҳсулоти қизиқтирмоқда, — дейди бирлашма бош директорининг савдо-тижорат масалалари бўйича ўринбосари Б. Турсунбоев, — Тошкент тўқимачиларининг сифатли, жаҳон меъёрлари даражасида тайёрланган, шу билан бирга арзон матолари чет эллик сармоядорларнинг эътиборини тортмоқда.

Шуниси диққатга моликки, комбинат маъмурияти ташқи бозордан мумкин қадар кўпроқ фойда олиш пайидан бўлаяпти. Бу — бежиз эмас, албатта, зеро пулни пул топади. Чет элга чиқарилаётган маҳсулотлар комбинатни қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини оширишга хизмат қилаяпти. Масалан Америка Қўшма Штатларига етказиб берилган бўз эвазига комбинат чийратувчи ва пишитувчи машиналарга эга бўлди. Шу мамлакатга юборилиадиган кейинги маҳсулот туркуми ўрнига ип фабрикаси учун бўяш жиҳозлари олиниши мўлжалланмоқда.

Комбинатнинг ташқи иқтисодий алоқалар бўлимида тошкентликлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш истагини билдирган ўнлаб хорижий фирма ва компаниялларнинг тижорий имкониятларини тасвирловчи маълумотномалар проспектлари юборилиб турилибди. Улар орасида жаҳонга донги кетган Жанубий Кореядаги «Самсунг» фирмасининг «таржимаи ҳоли» ҳам бор. Тинниб-тинчимас корейслар ўзларини кўз-кўз қилиш билан чекланиб қолишгани йўқ. «Самсунг» фирмасининг президенти жаноб Ким бир йилда икки бор комбинатга келиб кетди. Ўтган йилги ташрифида у комбинат маъмурияти билан ўзаро ҳамкорлик ришталарини улаш, қўшма корхоналар ташкил этиш хусусида музокаралар юритган эди.

Куни кеча «Самсунг» фирмасининг президент етакчилигидаги вакиллари яна бир маротаба Тошкент тўқимачилик комбинатига қадам ранжида қилишди. Бу сафар қўшма корхона очиш, бевосита ҳамкорлик хусусидаги амалий, лўнда таклифлар муҳокама этилди. Комбинат бош муҳандиси В. Шименованинг фикрича, учрашув яқин келажакда ўз самарасини беради.

Хуллас, Тошкент тўқимачилик комбинатининг ташқи иқтисодий алоқаларни кенг кўламда ривожлантириш имкониятлари бор. Жумладан, республикада бу йўл қўллаб-қувватланмоқда, ташқи сармояларнинг кириб келиши учун имтиёзли шароит яратувчи қонунлар бор. Боз устига, саноат корхоналарига берилаётган мустақиллик бундай алоқаларнинг равнақи учун хизмат қилади. Аммо бемалол чиқиш учун қўлимиз калталик қиляпти. Корхонамиз, — дейди таассуф билан Б. Турсунбоев, — Италиядаги фирмаларнинг бири билан жинси шим ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ташкил этиш ҳақида шартнома тузган эди. Аммо ишни бошлаб юборишга, ускуналар сотиб олишга маблағимиз етмаяпти.

Ташқи муаммоларгина эмас, ички чигалликлар ҳам бизни қийнаб турибди. Тошкент тўқимачилари етказиб берган маҳсулот эвазига республикамиздаги бир қанча ташкилотлар вақтида пул ўтказмаяпти. Молиявий-иқтисодий тизимдаги сансалорликлар натижасида комбинат 350 миллион сўмлик маблағини ололмаяпти. Шу маблағ қўлимизда бўлганида, — дея сўзини якунлайди Б. Турсунбоев, — анча ишларни амалга оширган бўлардик Лекин, афсус...

Толиб НУРМУХАМЕДОВ,
ЎзА мухбири.

КООПЕРАЦИЯ ЁРДАМ БЕРДИ

Ўзбекистон металлургия заводи раҳбарияти Олмониянинг «ФУКС систематехник ГМБЛ» фирмаси билан махсус машина-ускуналарни етказиб бериш ҳақидаги шартномани имзолади. Машина-ускуна электр ёрдамида пўлат эритиш цехи учун атайлаб лойиҳаланган электр печига ўрнатилади.

Бекободда янги хил печни қуришда, шу жумладан, ҳорижий фирмалар билан ҳам кооперация усулидан биринчи бор фойдаланилди. Завод Челябинскдаги иккита институт билан печь конструкциясини, чиқиндигазларни тозалаш тизимини ишлаб чиқиш ҳақида шартномалар тузди ва битимларни имзолади. Новосибирскдаги «Сибэлектротерм» заводи ўзбекистонлик металлурглар учун печь ускуналарини тайёрлаб беради. Немис мутахассислари эса печни МДҲ мамлакатларида ишлаб чиқариладиган қурилмалар ва ускуналар билан жиҳозлайди.

(ЎзА мухбири).

«ЭКОЛОГИЯ» ДАСТУРИ

БЎКА районидаги Бобур номли ўрта мактаб вилоятимиздаги илғор билим даргоҳларидан бири саналади. Бу ердаги педагогик жамоа томонидан ишлаб чиқилаётган бой тажрибалар ҳамкасбларга маъқул бўлмоқда.

Мактабда тарбиявий соатлар ҳам яхши йўлга қўйилган. Мана бир неча йилдирки, уларда экологик тарбия машғулотлари олиб борилмоқда. Шундай самарали кузатишлар асосида мактаб таълимининг «экология» ўқув дастури яратилди.

Бу ҳужжатни тайёрлашда Ўзбекистоннинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат манбаларидан самарали фойдаланишнинг 2005 йилгача мўлжалланган дастурига таянилди.

С. ОДИЛОВА.

● *Келажагимизни асрайлик*

ЁШЛАРНИ ҚАЙСИ ЙЎЛГА БОШЛАМОҚЧИСИЗ, ЖАНОБЛАР?!

«БИРЛИК»ЧИЛАР, СИЗЛАРНИ ЯНА БИР МАРТА ИНСОФ ВА ДИЁНАТГА ЧАҚИРАМИЗ

Халқимизнинг асрлар мобайнида шаклланиб қарор топган ажойиб анъаналари, миллий урф-одатлари, қадриятлари бор. Биз ҳар қанча фахрланса арзийдиган удумларимиздан бири — кексаларга ҳурмат, ёшларга иззатдир. Бизнинг нуроний отахонларимиз, мунис онахонларимиз ҳамма вақт фарзандларининг камолини, юрт тинчлигини фуқаролар аҳиллигини кўзлаб. ёшларни ҳалол, инсофли, диёнатли ахлоқ-одобли, фозил кишилар қилиб тарбиялашга алоҳида аҳамият берганлар.

Шарқона одатларимиз ҳеч қачон панд бермаган. Шу боис ёшларимиз кекса авлод умидини оқлаб, ҳамиша юрт оғирини енгил, узоғини яқин қилиб келишган. Бунга ҳеч бўлмаганда яқин ўтмишимиз гувоҳлик бериши мумкин. Ўзбекистон харитасида пайдо бўлган янги-янги шаҳар-қишлоқлар йигит-қизлар номи билан боғлиқ. Қақраб ётган чўлларни ўзлаштириш, йирик-йирик саноат корхоналарини бунёд этишда жонбозлик кўрсатганлар ҳам йигит-қизлардир!

Тўғри ёшлик-ғўрлик, дейдилар. Тажрибасизлик баъзи-баъзида ўзини сездириб қўяди. Болани ниҳолга ўхшатишади. Уни қаёққа қараб эгсанг, ўшаёққа эгилади. Шу сабабли ниҳол парвариши ҳамма вақт зийраклиқни, тадбиркорликни доналик ва ҳаёт тажрибасини талаб қилади. Яширимайлиз, ҳаммамиз ҳам бир пайтлар ёш бўлганмиз. Тўғри йўлни топиб олгунимизча қоқилганмиз, адашганмиз, хатоликларга йўл қўйганмиз. Бизга жон ато этган ота-оналаримиз, биринчи ҳарфни танитган муаллимларимиз, фан оламига олиб кирган домлаларимиз, ҳунар ўргатган устозларимиз ўзимизни ўнглаб олишимизга ёрдам беришди. Буни улар ўзлари учун келажак авлод олдидаги муқаддас бурч деб билдилар. Аниқроғи, бизнинг тарбиямиз учун ўзларини жавобгар деб ҳис қилдилар.

Минг шукурки, бу анъана муносиб равишда давом этиб келмоқда. Ҳозир мустақил Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталик барқарор экан, бу мана шу саъй-ҳаракатнинг мевасидир. Лекин айнан шу барқарорлик кимларгадир ёқмаётганга ўхшаяпти. Шахсий нафсонияти олинган турли алам-задалар, ўзларининг омма йўлбошчилари деб ҳисоблаб юрган хилма-хил «саркорлар» ғаразли мақсадларига етиш учун бор «маҳорат»ларини ишга солмоқдалар. Улар бу йўлда энг пасткаш усулларни — пана-пастқамдан туриб, ички ва ташқи сиёсатга тош отишдан, турли ирғовлар ва мишмишларни тарқатишдан; энг ачинарлиси — ҳар хил бўҳтон ва туҳматлар билан ёшлар онгини заҳарлашга уринишдан ҳам тоймаяптилар

Фикримиз исботи учун бир мисол келтирайлик. Яқинда Тошкент давлат дорилфунуни талабалари орасида варақа тарқатилди. Бундан кузатилган асосий мақсад— йигит ва қизларни масаланинг асосий моҳиятини чуқур англаб етишдан чалғитиш ва пировард натижада уларни ҳурматли олимлардан ташкил топган Илмий Кенгашга нисбатан оёқлантириш, университетнинг профессор ўқитувчилар таркибига қарши қўйишдир. Варақа бошдан-оёқ кесатиқ, пичинг усулида ёзилган бўлиб, инсон қадр-қимматини таҳқирлашгача бориб етилган. «Битик» муаллифлари академиклардан Жўра Абдуллаев билан Тўхтамурод Жўраевларнинг исми ҳамда шарифидаги «Жўра» сўзини дастак қилиб, сизлар кимнинг жўраларисиз, деб савол қўядилар.

Варақанинг муаллифлари кимлар, деб сўрарсиз, «Ўзбекистон «Бирлик» халқ ҳаракати, «Бирлик»даги жаноблар, сизларга саволимиз бор; талабаларни устозларга қарши қўйишингиздан мақсадингиз нима? Ёшларни катталарга гиж-гижлатиш қайси ахлоқ-одоб нормаларига тўғри келади?

Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, жумҳуриятимизда сиёсий партиялар ва ҳаракатларга Низомлари рўйхатдан ўтгач, бемалол ҳаракат қилишга рухсат берилган. Демократия ва ошкоралик фикрлар хилма-хиллиги мавжудлигини, ўз сиёсий қарашларини очиқ-ойдин баён этишни, соғлом муҳолифат бўлишн мумкинлигини инкор этмайди. Аммо ҳаммаси қонун доирасида, қонунийлик асосида бўлиши керак. Сиёсий кураш ҳалолликни, тўғриликни, мардликни, инсофу адолатни сўзсиз талаб қилади. Майдонга тушдингми — охиригача танти бўл. Ҳамма томондан эътироф этилган демократик усуллардан фойдалан. Аммо мунофиқларча иш тутиш, бачкана йўллардан бориш— ўта диёнатсизликдир! Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги шу йил 6 октябрда «Бирлик» ҳаракати раҳбарияти ўз Низомидаги вазифаларни ва республиканнинг амалдаги қонунларини бузганлиги фактлари юзасидан уларни расмий равишда огоҳлантирган экан, мазкур чора мантиқан тўппа-тўғридир. Неқонли воқеалар наҳотки юрагингизни зирқиратмаса? У ерда ҳам қариндош-уруғларингиз, ёру биродарларингиз: дўст-у ўртоқларингиз бўлиши мумкин-ку! Эсланг, ўша жойлардаги ҳозир тўхтатиб қолиш ниҳоятда мушкуллашган воқеалар арзимаган мана шу нақанги варақаларни тарқатишдан, митингбозлик ва қарама-қарши туришдан бошланган-ку? Наҳотки ушбу қонли фожеалар, бизга сабоқ бўлмаса?! Наҳотки, Ўзбекистоннинг ҳам қонли фожеалар ўчоғига айланишини истасангиз?

Ўзини миллат фидойиси, ёшлар ғамхўри деб ҳисоблайдиганлар бу йўлдан боришмайди. Бошқаларга ҳам раво кўришмайди. Бир нарсадан хурсандмиз: аксарият ёшларимиз ақлли-ҳушли, оқ билан қорани ажратиб оладиган даражада. Йигит ва қизлар кимларга эргашишни, қайси йўлга тўғрилигини, ҳозирги пайтда асосий вазифалари нималардан иборат эканлигини яхши биладилар. Лекин шоли ичида курмак деганларидек, айрим енгилроқ, содда, ҳар нарсага ишонувчан, ҳар хил ирғовгарликнинг тузоғига илиниб қоладиганлар ҳам топилади. Чалғиган ёшларни тўғри йўлга солиш, уларни номатлуб хатти-ҳаракатлардан тийиб қолиш эса қийин кечади. Шунинг учун ўз ўзимизга савол берайлик: хўш болаларимиз, укаларимиз, жиянларимиз уларнинг ўрнига тушиб қолишса, нима бўларди?!

Ҳозир Ўзбекистон Республикаси учун энг зарури нишароитида аҳолини, айниқса, унинг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялаш экономикани Ўзбекистон халқ манфаатларига хизмат қилишга бўйсундириш мураккаб жараёнлар силсиласига киради. Республика раҳбариятининг бу борадаги саъй-ҳаракатларини, кўраётган чора-тадбирларини ҳамма кўриб-билиб турибди. Олий ўқув юртлари, техникумлар талабалари ва кийим-бош ҳамда овқат билан таъминланмайдиган ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари стипендияларининг 1 октябрдан бошлаб яна оширилганлиги Ўзбекистон Президенти ва республика ҳукумати қилаётган ғамхўрлик меваси эмасми?

Айтмоқчимизки, ҳамма сиёсий партиялар ва ҳаракатлар умумий мақсад йўлида ишласинлар. Ёшлар тарбиясини ҳалол, покиза, тўғри йўлдан тоймайдиган ташкилотлар қўлига топширайлик. Ҳозир бир қанча йигит-қизлар ҳорижда билим олишмоқда. Бу ҳали кам. Минглаб ёшларни энг ривожланган, юксак технологияга эга мамлакатларга ўқишга юборайлик. Улар она тилларидан ташқари бир қанча тилни ўрганишсин. Илғорларнинг мустамлакачилик сиёсати туфайли бундай имкониятларга эга эмасдик. Истиқлол ва истиқбол шундай имкониятларни берди бизга. Ундан фойдаланмаслик Ўзбекистон келажагига бефарқ қараш билан баравардир.

Шундай экан, ёшларни асосий вазифадан чалғитманг! Уларни йўлдан урманг! Ёшларни сиёсий ўйинларга тортманг, жаноблар! Ёшлар келажагимиз эканлигини унутманг! Келажагимизни заҳарламанг, жаноб «бирлик»чилар! Сизни яна бир марта инсоф ва диёнатга чақириб қоламиз.

А. АЪЗАМХУЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

(«Ўзбекистон овози» 14 октябрь сонидан).

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА РЕСПУБЛИКАМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ» КИТОБИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ЛОЙИҲАСИ БЎЙИЧА СЕМИНАР-КЕНГАШ БЎЛИБ ЎТДИ

ДОЛЗАРБ, ҲАЁТИЙ, ЗАРУР

Илгари хабар қилганимиздек, Тошкент вилоят ҳокимлигида шу ҳафтанинг душанба куни бўлиб ўтган йиғилиш республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласи ҳамда Ўзбекистон республикаси Конституцияси лойиҳасининг муҳокамасига бағишланди.

— Бугун биз сиз билан икки муҳим масалани муҳокама қилишга тўпландик,— дея йиғилишни кириш сўзи билан очди вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев, — ҳаммамизга маълумки, яқинда республика президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласи чоп этилди. Шунингдек, биринчи марта мустақил давлат сифатида, Ўзбекистон Конституцияси лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига ҳавола қилинди. Бу ҳар иккала ўзига хос дастурларга республикамиздаги барча кишилар қатори сиз ва биз ҳам ўз мулоҳазаларимизни билдириш учун йиғилдик. Умумхалқ аҳамиятига молик бўлган мана шу ҳужжатлар тўғрисида ўзимнинг айрим фикрларимни билдириб ўтмоқчиман.

Ҳоким ўз сўзида яқиндагина Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги кенг ва тантанали нишонланганлиги, ота-боболаримизнинг асрий орзулари рўёбга чиққанлиги, республикамизнинг халқаро майдондаги нуфузи тобора ортиб бораётганлиги тўғрисида гапириб, она-юртимизда тинчликнинг барқарор топишида Ўзбекистон Президенти ва ҳукумати амалга ошираётган тадбирларга кенг тўхталди, жумладан қуйидагиларни баён этди:

Собиқ Иттифоқдаги республикаларнинг аксариятида нотинчлик, турли миллий низолар ва бошқа бесаранжомликлар жунбушга келаётган, энг ачинарлиси, беҳуда қон тўкилаётган бир пайтда республикамиз Президенти, унинг халқи, ҳукумати томонидан тинчлик, осойишталикни сақлаб қолинганлиги, ўзбеклар билан бирга Ўзбекистонда яшаётган турли миллат вакилларининг қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари ўз ўрнига қўйилаётганлиги, ўзаро тенглиги ва дўстлиги мустаҳкам эканлиги айниқса муҳимдир.

Иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам ўзининг мақбул эканлигини кўрсатмоқда. И. А. Каримов бошчилигидаги республика раҳбарияти олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат Ўзбекистон халқи томонидан қўллаб-қувватланаётир.

Лекин бугунги кунда шиддат билан ривожланиб бораётган воқеалар мустақил Ўзбекистон республикаси ҳукумати ва халқи ўз олдига қўяётган янги-янги вазифаларнинг тўғри ечимини топиб, олдинга дадил силжишини тақозо этмоқда.

Республика президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли рисоласида ана шу йўл ва режалар жуда тўғри ифодалаб берилган. Энди Ўзбекистон яна кимгадир бўйсуниб, ёки қарам бўлиб яшамоқчи эмас, балки тенглик асосида алоқаларни барқарорлаштириш истагидадир. Бу беистисно ҳамма соҳага, сиёсат, иқтисодиёт, маданият, илм-фан ва маънавиятга ҳам тегишлидир.

Давр иқтисодиётда туб бурилишлар қилишни тақозо этмоқда. Ислом Абдуғаниевич Каримов ўз рисоласида бу масалага чуқур ва кенг тўхталганлиги бежиз эмас. Албатта иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш ички сиёсатимизнинг бош йўли. Лекин уни шундай амалга ошириш керакки, халқ, айниқса кам таъминланган фуқаролар ҳимоясиз қолмасин. Менимча, МДҲ давлатларининг бирортасида фуқаролар Ўзбекистондагичалик ҳимояга олинган эмас. Бу Президент бошлиқ ҳукуматнинг ўз сўзига содиқлигини кўрсатмоқда.

Рисолада бозор иқтисодиётининг биз учун зарур эканлиги ҳақида гапирилар экан, Ўзбекистон шароитида «гангитиб даволаш» йўли номақбул эканлиги жуда тўғри таъкидланган. Зеро, халқимиз бозорга ўтишдаги ҳукумат олиб бораётган йўлни, босқичма-босқич ҳаракатни маъқулламоқда. Ҳақиқатан, ишлаб чиқаришдан тортиб кадрлар тайёрлашгача бўлган жараённи янги усулга мослаш учун вақт керак.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини мустаҳкамлаётган экан, маънавий-ахлоқий негизлар бу борада катта аҳамият касб этади. Зеро, халқимиз қадимдан дўстлик, аҳиллик, меҳр-оқибатни қадрлаб келган. Ана шу анъанага содиқлик бугун Ўзбекистонда тинчлик, хотиржамликни таъминламоқда.

Дарвоқе, миллатидан, элатидан қатъий назар Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг дили-нияти пок бўлса, у шу мамлакатда эркин яшаса, ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинса, ҳақиқий ватанпарвар бўлса — юртимизнинг равнақи бундан ҳам зиёда бўлади.

Яқинда матбуотда мустақил Ўзбекистон республикаси Конституциясининг лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди. Сўзсиз бу ҳужжат ҳаммамиз учун қадрлидир. Чунки биринчи марта биз мустақил давлат сифатида ўзимизнинг Асосий Қонунимизни ишлаб чиқмоқдамиз.

Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Шундай экан, лойиҳани кенг муҳокама этиб, тезроқ қабул қилиш биз учун катта аҳамиятга эга.

Йиғилишда «Ўзбекистон овози» газетасининг бош муҳаррири Ш. О. Убайдуллаев республика президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласи тўғрисида маъруза қилди.

— Бу ерда ўтирган ўртоқлар рисолани чуқур ўрганиб бораётганликларига ҳеч қандай шубҳа йўқ, — деди Шароф Ортиқович. — Мен ҳам бу ҳаётий дастур тўғрисида ўз шахсий-фикр мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман.

Шундан сўнг нотиқ асарнинг асосий ғояси, мазмунини чуқур таҳлил қилиб берди. Жумладан, у мазкур китобнинг ниҳоятда долзарб, муҳим ва ўз вақтида яратилганлигини таъкидлади. Ўзбекистон мустақилликка эришгунча босиб ўтган сермашаққат тарихий йўл ҳақида фикр юритди.

Амур Темурдек соҳибқирон, Ал Хоразмий, Беруний Фаробий, Ибн Синодек буюк алломаларни, Навоий, Бобур сингари мутафаккир-донишмандларни вояга етказган ўзбек халқи йиллар давомида кўп қийинчиликларни бошидан кечирди.

— Қарамлик, тобелик муҳитида яшаган халқимиз ўзининг мустақил сўзига, овозига эга эмасди. Бутун ихтиёри бизни иқтисодий жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам ўз йўриғига солган марказнинг измида эди. Ўз миллий бойлигимиз ўзимизга буюрмасди.

Истиқлол бизга эрк, бахт ва саодат ато этди. Ўзбекистон халқининг бағрига шамол тегди. Эркинликни қўлга киритган республика ўзига хос тараққиёт йўлини танлади. Ана шу йўлнинг муфассал мазмуни «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласида ифодасини топди.

Маърузачи рисола ҳақида ана шундай мушоҳада юритар экан, муаллиф томонидан мустақил Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлидан бориши учун ҳал этилиши зарур бўлган долзарб масалалар ғоят аниқ ифодалаб берилганлигини мисоллар асосида баён этди.

Нотиқ рисоладаги уч асосий йўналишни алоҳида кўрсатиб ўтди. Бу йўналишларнинг биринчиси мустақилликнинг бир йиллиги билан боғлиқ бўлган воқеалардир. Ўзбекистон тарихида 1991 йилнинг сентябри буюк бурилиш нуқтаси бўлганлигини алоҳида таъкидлади. Ана шу қисқа вақтнинг ўзида Ўзбекистон мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришди. Рисолада баён қилинганидек, бир йил ичида Ўзбекистонда тинч, парламент йўли билан ҳақиқий давлатчилик барпо бўлди. Республика ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини қўлга киритди. Халқимиз ўлкадаги беқиёс миллий бойликларнинг ҳақиқий эгаси бўлиб қолди, ерости, табиий бойликлар, авлод-аждодларнинг меҳнати билан яратилган иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий бойликлар ҳамда катта имкониятлар энди фақат республика аҳли манфаатларигагина хизмат қилади, уларнинг тасарруфи ўз қўлимизда. Республика ҳудуди ва бутун мулки бўлинмас, чегаралари эса даҳлсиздир.

Ўзбекистонда чинакам демократик ҳуқуқий жамият пойдевори ўрнатилди, марказдаги яккаҳокимлик бошқаруви тугатилмоқда. Биринчилар қаторида президентлик лавозими таъсис этилди. Бу эса собиқ СССР барҳам топган ўша зиддиятли паллада кўрсатилган катта жасорат эди. Яна бир муҳим янгилик шуки, кўппартиявийлик, ғоялар ва фикрларнинг хилма-хиллиги, эркинлиги шаклланиб бормоқда. Давлат бошқарувининг замонавий ва самарали тизими вужудга келди. Республикамизнинг жаҳон миқёсида тан олиниши, нуфузининг кўтарилиши халқининг обрў-эътиборини ошириб юборди. Рисолада бу масалалар алоҳида ифодаланган.

Маърузачининг фикрича бу асарда Ўзбекистон тараққиёт йўлининг шарт-шароитлари, вазифаларнинг ечимлари аниқ кўрсатиб берилганлигини иккинчи йўналиш деб ҳисоблаш мумкин.

Ўзбекистон бошқа давлатлар тараққиётида тўпланган ва республика шароитига тадбиқ қилса бўладиган тажрибалардан самарали фойдаланган ҳолда, бирон бир моделни тўғридан-тўғри, қатто у ижобий натижалар берган тақдирда ҳам айнан кўчириб олиш ва жорий этиш тарафдори эмас. Агар тайёр олинадиган бўлса, дунёда ижтимоий тараққиёт йўлининг турлича андозалари кўп. Масалан, Туркия, Жанубий Корея, Швеция ва бошқа мамлакатларнинг моделлари мавжуд. Қолаверса, бир қанча мусулмон мамлакатларда ҳам маълум тажрибалар тўпланган. Аммо Ўзбекистоннинг ўз ички шароитидан, ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиган, бозор иқтисодиётига мослашиб боришни таъминловчи ўзига мос тараққиёт йўли бор.

Рисолада таъкидланганидек, Жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш республиканинг ҳақиқий позициясидир. Бу ўтмиш йилларнинг хатоларини, давлат тизимининг шакл ва усулларига нисбатан мавжуд қарашларни идрок этиш натижасидир. Бу — таркиб топган ижтимоий воқеликка берилган реал баҳодир. Бу — Ўзбекистон халқининг ижтимоий тараққиётига мос келиш имкониятини яратиш ва моддий-маданий ҳаётини ҳар томонлама ривожлантириш учун ҳеч қандай тўсиқ ва ғовлар йўқлиги, ҳеч ким ва ҳеч нарсанинг ўз ҳаётимизга аралашишига ва ҳукмронлик қилишига йўл қўймасл

• Обуна—93 •

ГАЗЕТАНИ ҚУВВАТЛАЙМАН

Мен ҳам муштарий, ҳам жамоатчи мухбир сифатида «Тошкент ҳақиқати» газетасининг ҳар бир сонини қолдирмасдан ўқиб бораман. 1992 йилда газетада эълон қилинган мақолаларнинг ҳаммасини жамласак, бир неча жилдлик китобга тенг бўлади. Кичик бир мақолада эса газетада эълон қилинганларнинг ҳаммасини шарҳлаб бўлмайди. Бироқ баъзи бир мақолалар хусусида тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб биламан. Жумладан, «Ёлғиз она бу унвонми ёки», «Сиз ҳам энди яхши яшанг...», «Мен ҳақлигимга ишонардим» сарлавҳаларн остида берилган мақолалар айниқса муштарийлар қалбидан жой олди. Бундан ташқари газетада ноҳақ қатағон қилинганлар тўғрисидаги ва бошқа тарихий мақолалар ҳам ўқувчиларни ўзига жалб қила олди.

Мен ҳеч иккиланмасдан газетани ўзимнинг маслаҳатгўйим деб биламан. Шунинг учун 1993 йил учун ҳам ҳеч иккиланмасдан «Тошкент ҳақиқати»га обуна бўлдим. Ўйлайманки, газета 1993 йилда ҳам ҳаётимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришларни ва ишлаб чиқаришнинг илғор тажрибаларини кенг ёритиш билан бирга жамиятимизда учраб турган турли ножўя ҳатти-ҳаракатларга қарши курашади. Қора ниятли кишиларнинг ҳақиқий башарасини газета орқали халққа намойиш этишига ишонаман.

Хушвақт ОМОНОВ,
Қибрай райони.

• Бизнинг суҳбат

Хизмат кўлами кенгаймоқда

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» АВИАКОМПАНИЯСИ ЯНГИ МАРШРУТЛАР ОЧМОҚДА

Республикамизнинг яқинда ташкил этилган миллий авиакомпанияси жамоаси халқаро йўлларда қатнов кўламини тобора кенгайтирмоқда. Ҳорижий мамлакатлар билан ҳамкорликнинг кенгайиши, мустақил Ўзбекистонимизнинг халқаро миқёсга дадил кириб бориши, умуман, халқаро муносабатларнинг кенгайиши шуни тақозо этмоқда.

Ҳозирги вақтда компания учувчилари Ўзбекистон пойтахтини Лондон билан боғловчи ҳаво йўлини очишга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Бизнинг «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси бош директорининг халқаро фаолият бўйича ўринбосари Б. Ў. САЛИМОВ билан суҳбатимиз ҳам ана шундан бошланди...

— Бекқўлат Ўрозович, ҳозир халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари қатори фуқаро авиациясида ҳам етарли муаммолар, қийинчиликлар бор. Бизга республикамиз авиаторлари халқаро бозорни қандай эгаллаётганликлари ҳақида гапириб бермасангиз?

— Халқаро йўлларни эгаллаш борасидаги саъи-ҳаракатларимиз бекор кетмаяпти. Ҳозирги вақтда компаниямиз бу соҳада МДҲнинг кўпгина давлатлари миллий авиакомпанияларини анча орқада қолдирди. Албатта, буни мақтаниш деб тушуниш керак эмас. Бор ҳақиқат шундай.

— Собиқ иттифоқдош республикалар авиакомпаниялари ўртасида қандайдир рақобат борми?

— Ҳар ҳолда Ўрта Осиёда бизга тенг келадиган бундай корхона йўқ. Масалан, Деҳлидан, Истамбулдан, Куала-Лумпурдан, Тель-Авивдан бизнинг минтақамиздаги қўшни мамлакатларга ташриф буюрмоқчи бўлганлар, албатта, авиакомпаниямиз тайёраларидан фойдаланадилар. Эндиликда улар Москва орқали йўлни узоқ қилиб юришмайди. Тошкентга келиб, истаган шаҳарларига жўнаб кетишаверади.

— Халқаро алоқаларнинг фаол ривожланишига нима туртки бўлганлигини билиш биз учун қизиқарли.

— Маълумки, кўп йиллар давомида биз марказга қарам бўлиб келдик. Москванинг ҳамма ҳаракатлари ҳам миллий республикаларнинг ривожланиши манфаатларига хизмат қилавермас эди. Мустақилликнинг эълон қилиниши миллий авиакомпаниянинг халқаро фаолияти ривожланиши учун асосий туртки бўлди. Агар биз ҳукумат ва шахсан Президентимизнинг катта ёрдамига суянмаганимизда ютуқларимиз камроқ бўларди, албатта.

— Халқаро фаолиятнинг кенгайиши қандай самара бермоқда?

— Албатта, халқаро йўлларга чиқишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун каттагина миқдорда маблағ керак. Маблағ бўлганда ҳам валюта лозим. Бу ерда ҳам биз республикамиз раҳбариятининг ёрдамини сезиб турибмиз. Бундан ташқари, ишлаб топилган барча маблағни хизмат кўрсатишни кенгайтириш ва сифатини яхшилашга сарфламоқдамиз. Бунинг устига тайёралар саройини ҳам янгилашимиз лозим. Бунга ҳам маблағ керак. Уни ҳам халқаро йўлларда ишлаб топаяпмиз. Шу ерда мутахассисларимизнинг жонкуярлиги, ишбилармонлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман, Айниқса, бизнинг ишимизда бу жуда зарур. Компаниямизда ўз соҳасини чуқур биладиган учувчилар жамоаси қарор топган. Улар илгари чартер рейсларда ҳорижий мамлакатларга қатнаб, муайян даражада тажриба тўплашган эди. Бу тажриба эндиликда қўл келмоқда. Учувчиларимиз янги маршрутларни муваффақиятли эгалладилар. Ю. Хохлов, А. Степанов, В. Мешчеряков, В. Кушнарев ва бошқалар шулар жумласидандир.

— Ҳали айтганимиздек, навбатдаги ҳаво йўли Лондон томон очилади. Ўзбекистон учувчилари яна қандай янги йўлларни ўзлаштиришмоқда?

— Режаларимиз катта, уни сир тутиб ўтирмайман. Чунки, ҳар бир халқаро битимдан кейин бизда янги йўллар очиш истиқболлари пайдо бўлади. Яқин келажакда биз Пекин, Сурия, Мисрга борадиган ҳаво йўлларини ўзлаштирмоқчимиз. Айни вақтда бошқа муҳим вазифаларимиз ҳам бор. Бу учишлар вақтида йўловчиларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатиш учун биз хўжалигимизни халқаро талаблар даражасига келтиришимиз лозим.



Суҳбатни Ю. ҚОБИЛЖОНОВ ва А. КУЗЬМИН олиб борди.

Суратда: Б. Ў. Салимов.

БОЛТАБОЙ ПОЛВОН

Ялламалик чавандоз Қаршибой ака хонадонида ўғил туғилди. Унга Болтабой деб исм қўйишди. Болтабой ёшлигидан соғлом, бақувват ўсди. Қаршибой ака бирор тўймаъракага борганда ўғлини албатта олиб борарди. Ўша пайтларда, айниқса, тўйлар миллий курашсиз ўтмасди. 15—16 яшар Болтабой ўз тенгқурдари билан тўйларда бел олишар эди. Унинг абжирлиги, чайирлиги курашда фақат ғалаба қозониши Қаршибой акани беҳад қувонтирар эди.

— Бир воқеа сира эсимдан чиқмайди,— дея ҳикоя қилади Болтабой ота.— Отам қандайдир юмуш билан Тошкентга кетган эди. Шу куни маҳалладаги бир тўйга ўзим бордим. Мендан 4—5 ёш катта бир фарғоналик йигит 4 кишининг елкасини ерга теккизиб, «яна талабгор бўлса, марҳамат, чиқсин» деб қолди. Шу пайт Ялламада донғи чиққан Эгамберди полвон:— Болтабой ука, бир синашмайсанми, ғолибга соврин катта,— дея менга юзланди.

Курашаман, деб даврага чиқдим. Омад кулиб боқди. Катта совринни олиб, уйга севинч билан қайтдим. Шушу Ялламада менга «Болта полвон» деб ном қўйишди.

Шу йилларда халқнинг яшаш шароити жуда оғир эди. Лекин шундай бўлсада, ҳар куни меҳмонхонага 300—400 киши тўпланишарди. Полвонлар кўч синашишарди. Менинг ёшлигим шу меҳмонхонада ўтди. Курашда ғолиб чиққанинг олдига йиғилганлар топган-тутганини ташлашарди. Айниқса, сайлларнинг ажойиб гашти бор эди. Пишиқчилик даврида ўтказиладиган сайлларга 3—4 минг одам тўпланишарди. Катта-катта донғи чиққан полвонлар келишарди. Қизғин баҳслар бўларди...

...1950 йил август ойи. Эски Қовунчидаги маданиятистироҳат боғида тумонат одам тўпланган. Бу ерда район биринчилиги учун полвонлар ўртасида баҳс бўлди. Усмон ота Юсупов қатнашди ва ғолибга 500 сўм пул тикди. Биз Яллама, Чиноздан жами 12 полвон қатнашдик. Курашга районнинг турли жойларидан полвонлар келишган. Беллашув бошланди. Биз томондан чайир ўспирин, ҳаракатлари жонли йигит Шокирхўжа Пошшоев тушганда ҳамма жонланди. Паҳлавонлар йиғилганларга таъзим бажо келтиришди. Ҳакамнинг ишораси билан икки ёш девқомат полвон бир-бирлари томон шаҳдам юришди ва қўл сиқишиб самимий кўришишди. Шу бир дақиқанинг ўзида рақиблар бир-бирларининг кучларини кўнгил тарозиларида ўлчаб кўришга улгуришди.

Шокирхўжа рақибининг анойи эмаслигини сезиб, бир оз хушёр тортди.

Миллий курашнинг сир-асрорларини, турли яширин усулларини пухта эгаллаган икки полвон узоқ олишмади. Пайт пойлаб турган Шокирхўжа рақибининг бўшлиқ қилиб турганидан ўринли фойдаланди. У рақибининг мувозанатини топиб, дорда қолдирди. Шокирхўжанинг Чинозда ҳам ўртатепалик бир полвон билан беллашганда рақибининг белини сиқиб, терисини шилворганини ҳали кўз олдимдан кетказа олмайман. Марҳум Ш, Пошшоевга тенг келадиган полвонлар ўша йилларда деярли йўқ эди.

— Ўзингиз ҳам район ва вилоят биринчилиги учун бўлган мусобақаларда иштирок этиб, биринчи ўринни эгаллаган экансиз-а,— деб сўрадим отадан.

— Жуда кўп мусобақаларда куч синашиб, кўп полвонлар билан беллашганман. Ўша пайтларда вазнга қарамай кураш тушиларди. 1956 йилнинг ёз ойларида У. Юсупов номли истироҳат боғида Қўқон, Тошкент шаҳарларидан полвонлар келишди. 2—3 минг одам тўпланди. Бу ерда ялламалик Йўлдош Тўқлибоев, Махаматқул Ўсарқулов, Эгамберди Рустамов, чинозлик Саидумар Муқимов, ака-ука Ғани, Наби Жумабоев каби пахлавонлар ҳам бор эди. Уларнинг ҳамма-ҳаммаси куч синашди. Фахрли ўринларни эгаллашди. Менинг рақибим қўқонлик Жалолиддин деган бир девқомат пахлавон эди. Очиғини айтганда майдонга тушиб қўл олишганимда ютуққа умид боғламаган эдим. Ҳамқишлоқларим «Дадил бўл!», «Рақибинг анча бақувват бўлса-да, негадир нотинч, буни албатта ҳисобга ол» дея менга омад ёр бўлишини тилашди. Икки полвон узоқ олишдик. Рақибимни кўпроқ куч сарф қилишга мажбур этиб, ўзим кескин ҳаракат қилишга шай турардим. Ниҳоят кутилган дақиқам келди. «Ё пирим» деб ҳаракат қилганимда кўзимни юмиб олган эканман. Кўзимни очсам рақибим чалқанчасига тушганидан оёқ-қўлини йиғиштириб олишга ҳам мадори етмаётган экан. Шу курашда биринчи ўринни эгаллаб, «Пахтакор» кўнгилли спорт жамиятининг 1-даражали дипломини олишга сазовор бўлдим.

Одамда учта куч бўлар экан. Биринчиси ўзининг, иккинчиси ғойибона куч, учинчиси эса дарвешона куч. Тошкентнинг «Жангоҳ» деган жойида ҳар йили сентябрь ойида миллий кийимдаги курашчилар тўпланишарди. Бу ерга биз ҳам бордик. Вилоят биринчилиги учун курашиб, фахрли ўринни эгалладим. 1959 йили бу ердаги курашда Ўзбекистон кўнгилли қишлоқ «Пахтакор» спорт жамиятининг мукофотига сазовор бўлдим.

Ўрни келганда шуни айтмоқчи эдим. Халқимизнинг қонига сингиб кетган, бир пайтлар яхши урф-одат ҳолига кириб қолган «Наврўз» байрами тикланганига ҳам тўрт йил бўлди. Тикланганда ҳам жуда яхши тикланди. Бу кун дам олиш кунига айланганлиги қувонарлидир. Назаримда халқ сайлини ҳам тиклаш пайти келди. Бу ҳақда ким билан гаплашмайлик, шу фикрни қувватлайди. Қани энди сайллар тикланса-ю, ёш йигитлар миллий кураш тушишса, халқ ўз санъатини намойиш қилса эл мириқиб томоша қиларди. Район кўнгилли «Пахтакор» спорт жамияти миллий курашни изга туширса, ёш паҳлавонларни атрофига тўпласа нур устига аъло нур бўларди. Ҳозир кўп ёшлар «шиша полвони» бўлиб қолишган. Бунга биз катталар сабабчимиз. Чунки ёшлар ўзларини қизиқтирадиган бирор иш билан машғул бўлишмайди. Шароит йўқ. Илгари меҳмонхоналар бўларди. У ерга кўпчилик тўпланарди. Катта-кичик бир-бирини ҳурмат қиларди. Ёшларнинг қайси бирига бирор иш буюрсак, сўзимиз икки бўлмасди. Одоб, андиша бор эди. Ҳозирги айрим ёшлар катталар у ёқда турсин, оталарининг айтганини ҳам қилишмайдиган бўлиб кетишган.

Ҳозир ҳам паҳлавон йигитлар, полвонлар районимизда бўлиши керак. Эл бўлади-ю, полвони бўлмайдими?! Булар миллий кураш ташкил қилинса танилади, донғи чиқади. Ёшлар учун ўзи туғилган, ўсган қишлоқларда, районда шароит яратиш керак...

Отахон Охунбобоев номли жамоа хўжалигида 40 йил меҳнат қилди. Трактор рулини бошқарди. Гектар-гектар ер олиб пахта экди. Ҳар йили зиммасига олган топшириқларини ортиғи билан уддалади. Ҳамиша халқ билан бирга бўлиб, жамоа хўжалигининг равнақига муносиб ҳисса қўшди. Шунинг учун ҳам Чинозда Болтабой отани ҳамма яхши билади, ҳурмат қилади.

Кураги ерга тегмаган паҳлавоннинг тўрт ўғил, тўрт қизи бор. Уларнинг ҳаммаси уйли-жойли. Отахон 82 баҳорни қаршилаган бўлса ҳам ҳали куч-қувватда. Умри давомида меҳнат ва спорт унга ҳамдам бўлди. Ҳозир Чиноз-га Ялламадан кунига 2—3 маротаба пиёда йўл босиб келиб кетади. Қарилик гаштини сураётган нафақахўр Болтабой ота Қаршибоевга тинчлик, соғлиқ тилаймиз.

Т. ЭРХЎЖАЕВ,
Чиноз райони.

МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАРНИ ТИКЛАЙЛИК

Ҳар тўғрида

КОЛОРАДО ҚУНҒИЗИГА ҚАРШИ ДОРИ

● ЧЕБОКСАРИДАГИ «Химпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида йўқотиб бўлмас машҳур колорадо қўнғизига қирон келтирадиган экологик тоза дори тайёрлаш ўзлаштирилди. У экинларнинг бошқа зараркунанда ҳашоратларига ҳам қарши қўлланилиши мумкин.

Бундай кимёвий модда «Анометрин» деб аталади. У шунчалик безарарки, ҳатто у билан ишлов берилган мевалар ва сабзавотларни шу куннинг ўзидаёқ овқатга ишлатиш мумкин. Унинг битта шишачаси 70 сўм туради, бу тўрт-беш сотих ердаги экинга ишлов беришга етарли бўлади. Фақат ачинарлиси шундаки, ҳозирча бу ниҳоятда зарур дорини фақат бирлашма ходимларигина олишлари мумкин.

УММОНДА ШОВҚИН КЎП

● МАЪЛУМ бўлишича, кемалар ва нефть бурғилаш қудуқларидан чиқаётган шовқинлар денгизда яшовчи кўпчилик ҳайвонларга зарарли таъсир қилар экан.

Тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари шуни кўрсатдики, Гренландия ва Калифорния кулранг китлари ўзларининг кўчиш йўлларини ўзгартирдилар. Сабаби кемалар билан тўқнашишдан қочиш экан. Маълумки, оппоқ китлар ўзларидан эллик миля нарида музёрар кемаси сузиб кетаётганлигини сезиб, тревога сигналини берадилар.

Шовқин, шунингдек, балиқ увилдирғининг ривожланиши учун зарарлидир. Креветкалар ва балиқлар айрим турларининг ўсишини ва ўзидан кўпайишини сусайтиради. Олим Артур Майрберг шуни исботладики, тамадди излаб нефть мораларига яқин келадиган денгиз жониворлари тез орада кар бўлиб қолади. «Интернеэшнл уайлдлайф» журнали шу ҳақда ҳикоя қилди.

●

СОХТА ОТА

● Негев чўли районида истиқомат қилувчи 60 ёшли бадавий шайхи Муҳаммад абу Схэйбан 55 нафар фарзандининг бахтиёр отаси эди. Исроил қонунларига мувофиқ унинг хотинлари кўп болали оналар сифатида нафақалар олишарди. Катта оилада ҳаёт осойишта давом этарди, бироқ, бир «ички жанжал» кўтарилиб, унга путур етди. Оила бошлиғининг ёш хотинларга кўпроқ мойиллиги катта аёлларнинг бирига ёқмади.

Ҳақорат қилинган хотин қасдини олишга аҳд қилди. У ижтимоий таъминот ходимларига эрининг олтита эмас, фақат тўртта хотини борлигини, иккита бошқа хотининг йигирма нафар фарзандига нафақа қонунсиз тўланаётганлигини хабар қилди. Кўп йиллар давомида тўланган маблағ миқдори тахминан 800 минг долларга яқинлашиб қолган эди.

Бу маблағни шайхдан қайтариб беришни талаб қилишганда у мағрурона ўзининг шунча пули йўқлигини, уни ким олганлиги ҳақида тушунчага ҳам эга эмаслигини айтди. Ҳақиқатан, хотинлари пулни шайхга берган бўлсалар ҳам ундан тилхат олмаганлар-ку. Бу қийин жумбоқни ечиш судга ҳам осон бўлмаса керак.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.



ЯНГИ ДАВОЛАШ МАСКАНИ

БЕКОБОД. «Чермет» ҳиссадорлик жамияти қошида 30 ўринга мўлжалланган маслаҳат-диагностика даволаш маркази очилди. Энди даволаниш учун албатта Москвага бориш шарт эмас. Чунки С. Н. Федоров клиникасида малака оширган шифокорлар бу ерда турли кўз касалликларини замонавий тиббиёт ускуналаридан даволамоқдалар.

Суратда: бош шифокор Маҳмуд Камолиддинов навбатдаги мижозни қабул қилмоқда; операция залида.

А. ЗУФАРОВ суратлари (ЎзА).



ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

● ДЕҲҚОН ерга нима сепса шуни ўради, дейишади. Агар тарих саҳифаларини варақласак, ҳаётда не-не доноолар яшаб ўтишган. Лекин, уларнинг ишини қойилмақом қилиб давом эттирган фарзандлари кам бўлган. Нега шундай! Ғоҳо-ғоҳо шу ҳақда ўйлаб қоламан.

● ИНСОН зоти борки, унинг ошиғи доимо олчи тушавермайди. У бир тўнда неча бор озиб, неча бор семиради. Буни дўстликка қиёсласак, семирганингда атрофингда пайдо бўлган юзта дўстдан, озганлигингда ёнингда турган битта дўстинг афзалдир.

● ОДАМЗОТ умрини баланд бир қояга қиёс этса бўлади. Лекин, виқор билан қад кўтариб турган ўша қоя ҳам йиллар, асрлар ўтиши билан оз-оз емирилиб, ер билан баробар бўлади.

Дунёда инсон абадий эмас, ер абадийдир. Шундай экан, имкони борича бир-биримизга меҳр-оқибатли, мурувватли бўлайлик.

● ДУНЁДА энг буюк, энг кучли, энг енгилмас бир мавжудот бор. Уни энг даҳшатли бўрон довули ҳам, ҳайвонот дунёсининг подшоси бўлган арслон наъраси ҳам, ер юзини бир зумда аралаш-куралаш қилиб ташлашга қодир бўлган зилзила ҳам чўчитолмайди. Бу буюк сиймо — инсондир.

Т. ЖЎРАЕВ.

Юқоричирчиқ:

АҲМАД ЯССАВИЙ НОМЛИ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДА

КИЧКИНТОЙЛАРГА «ШИРИН ҚАЛАМЧАЛАР»...

● ЮҚОРИЧИРЧИҚ районидаги Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалигида маккажўхоридан «ширин қаламчалар» ишлаб чиқарила бошланди. Ҳозирча кунига 200 — 300 килограммдан ишлаб чиқарилаётган бу маҳсулотлардан хўжаликда истиқомат қилаётган кичкинтойлар мамнун бўлмоқда.

...КАТТАЛАРГА ЭСА — КАЛИШ

● БУ хўжаликда бозор иқтисодиётига ўтилаётган бир пайтда вужудга келган муаммоларни бартараф қилиш борасида яна бир ҳайрли ишга қўл урилди. Жумладан, бу ерда калиш цехи бир маромда иш юрита бошлади. Тўғри, айни пайтда «анқонинг уруғига» айланган бу камёб маҳсулотни ишлаб чиқариш учун хом ашё топиш осон кечмади.

Ўзбекистон халқ депутати, хўжалик раиси Абдумажид Машаҳабовнинг саъйи ҳаракатлари билан зарур резина буюмлар корхоналардан шартнома асосида келтирилмоқда. Айни пайтда бу кичик корхонада ойига 2,5—3 минг донадан калиш ишлаб чиқарилмоқда ва хўжалик меҳнаткашларига арзон нархда сотилмоқда.

ТЕГИРМОН ИШГА ТУШДИ

● АҲМАД ЯССАВИЙ номли жамоа хўжалигида аҳоли учун яна бир қулайлик яратилди. Гап шундаки, кейинги йилларда пахта яккахокимлигига чек қўйилиб, хўжаликда аҳоли учун буғдой экиш ҳам жорий этилган эди. Шу боис меҳнаткашлар қўлида озми-кўпми дон тўпланиб қолди. Уни унга айлантириш масаласи эса муаммо бўлиб турар эди. Эндиликда хўжаликда ишга туширилган тегирмон уларнинг ишини осон қилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тегирмоннинг ишга туширилишида хўжалик қурилиш бригадаси катта ҳисса қўшди.

Х. ШАФОАТОВ.

• ЭЪЛОН •

КОЛХОЗ, СОВХОЗ БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Оҳангарон саноат қурилиш материаллари бирлашмаси ўзи ишлаб чиқарган сўри устунини сотиш учун шартнома тузиши мумкин. Узум устунининг узунлиги 2,7 метр, темирбетондан тайёрланган. Баҳоси бозор нархидан арзон. Ортиб жўнатиш автомашинада ёки темир йўл вагони орқали бажарилади.

Манзилгоҳ: 702243 Тошкент вилояти. Оҳангарон райони Эйвалек қўрғони. Телефонлар: (код-37164). 5-29-40, 5-30-93, 5-59-84.

«Алгоритм» мавзесининг 30-даҳасидаги 4 хонали сотиб олинган квартирамни планли уйга

АЛМАШТИРАМАН

Телефон: 48-16-24, 48-15-62 (иш), 47-43-51 уй.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент ташкилоти уюшма аъзоси, «Ҳаёт ва иқтисод» — «Экономика и жизнь» журналларининг бош муҳаррири Исматилла Хушевга волидаи муҳтарамаси

ҲИДОЯТ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар:

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.
ЭЪЛОНЛАР ВА ТИЖОРАТ БЎЛИМИ — 33-99-15.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.

Нашр кўрсаткичи: Г-398. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.30. 31730 нусха босилади.